
ТУМАН МАДАНИЯТ МАРКАЗИ-ВИЛОЯТДА "ЭНГ ЯХШИ МАДАНИЯТ МУАССАСАСИ" ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ.

Бу йил вилоятимизда ҳам барча соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилди.

Вилоятда яхши бир анъана бор. Йил якунида соҳалар бўйича кўрик –танлов эълон қилиниб, ғолиблар муносиб тақдирланади. Фарғона шаҳридаги Тадбиркорлар марказида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг якуний босқичи катта байрам шодиёнасига айланди.

Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев йил давомида амалга оширилган муҳим ишлар ҳақида тўхталиб, барчани Янги йил байрами билан табриклади.

Ҳаяжонли дамлар яқинлашиб, кўрик-танлов ғолиблари эълон қилинди. “Энг яхши Маданият муассасаси” номинациясида – туманимиз Маданият маркази ғолибликни қўлга киритиб, вилоят ҳокимлиги дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бувайда тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-01-02 11:36:54